ISSN 2181-3187

# МАМУРИЙ ЖАЗОЛАРНИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИДА АҲАМИЯТИНИ ОШИРИШ

*Қорабекова Мухлиса Шухрат қизи*[1]

**Анотация:** Ушбу мақолада маьмурий жазоларни ҳуқуқбузарликлар профилактикасида аҳамиятини оширишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш бўйича тавсиялар республикада содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар учун белгиланган жазо мэханизмлари ҳамда жазони енгиллаштирувчи оғирлаштарувчи ҳолатлар, маьмурий жазоларни ҳуқуқбузарликлар профилактикасида аҳамиятини оширишда илғор тажрибалардан фойдаланиш ва уларни амалиётга тадбиқ этиш юзасидан таклиф ҳамда мулохазалар ёритилган.

**Калит сўзлар:** ҳуқуқбузарликлар профилактикаси,маьмурий жазо,ғайриижтимоий хулқ-атвор,жарима,муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш,мулкий аҳвол,ҳуқуқбузар шахси,зарурий мудофаа, охирги зарурат.

## Маьмурий жазоларни ҳуқуқбузарликлар профилактикасида аҳамиятини ошириш

Бугунги кунда мамлакатиимзда олиб борилаётган ислоҳотлар самараси авваламбор юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, Ватанимиз тақдири ва истиқболи учун маъсулятни ўз зиммасига олишга тайёр ёш кадрлар сафини кенгайтиришга бевосита боғлиқ. Ҳуқуқ ҳамиша ижтимоий муносабатларни муҳофаза этиш воситаси бўлиб келган. Ҳуқуқий таъсирнинг бу йўналиши ҳуқуқнинг қўриқловчи функциясини ташкил этади. Ҳуқуқнинг қўриқловчи функцияси– унинг ижтимоий вазифаси билан белгиланган ҳуқуқий таъсир этиш йўналиши бўлиб, у умумий аҳамиятга молик, ўта муҳим иқтисодий, сиёсий, маънавий ва бошқа ижтимоий муносабатларни муҳофаза этишга, уларнинг дахлсизлигини таъминлашга йўналтирилади ва шу билан бирга жамиятга ёт, зарарли муносабатларни сиқиб чиқаришга қаратилади.

Содир этилган маъмурий ҳуқукбузарликлар учун маъмурий жавобгарликни назарда тутувчи санкцияларда – жазо чораси ва унинг рухсат этилган меъёрлари (ҳажми, микдори)нинг энг ками ва энг юқориси кўрсатилган бўлади. Маъмурий жазони қўллашда ваколатли орган (мансабдор шахс) маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларининг,

[1]Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси”йўналиши 3-босқич 310-гуруҳ курсанти

ISSN 2181-3187

яъниқонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, демократизм, инсонпарварлик, одиллик ва айб учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига асосланиши шартдир. МЖтКда маъмурий жазонинг қўлланилишига бағишланган алоҳида 4-боб ажратилган бўлиб, унинг 30моддасида маъмурий жазо қўлланилишининг умумий қоидалари ўз аксини топган. [2] Ваколатли органлар ва мансабдор шахслар томонидан маъмурий жазонинг қўлланиши чоғида:

–содир этилган ҳуқуқбузарлик хусусияти;

–ҳуқуқбузарнинг шахси;

–унинг айбдорлик даражаси;

–мулкий аҳволи;

–жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар;

–жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар ҳисобга олинади.

Маъмурий жазо қўлланишининг мазкур умумий қоидаларига барча ваколатли органлар ва мансабдор шахслар риоя қилишлари шарт.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2833-сонли қарори асосида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича фаолиятни мувофиқлаштиришнинг таъсирчан тизими яратилди. Шунингдек, қонун бузилишларининг олдини олиш ва уларни бартараф этишнинг замонавий ташкилий-ҳуқуқий механизмлари жорий этилди. Энг аҳамиятлиси, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини фақатгина ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вазифаси сифатида баҳолаб, ушбу фаолиятга лозим даражада эътибор қаратмасликдек эскича ёндашувга буткул барҳам берилди. Маьмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликни назарда тутувчи санкцияларда – жазо чораси ва унинг рухсат этилган меъёрлари (ҳажми, микдори)нинг энг ками ва энг юқориси кўрсатилган бўлади. Маъмурий жазони қўллашда ваколатли орган (мансабдор шахс) маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларининг, яъниқонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, демократизм, инсонпарварлик, одиллик ва айб учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига асосланиши шартдир.[3].Ҳисобга олинмаган ҳолда бир суткадан кўп бўлмаган муддатга махсус қабулхона ҳудудидан четка чиқиш харажатлари маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг маблағлари ҳисобидан

---

[2] 1Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. – 2018. – № 3. – 6-м.

[3] Ш.М.Мирзиёев Миллий тарақиёт йўлимизни қатьият билан давом эттириб янги босқичга кўтарамиз

ISSN 2181-3187

ёки бошқа шахслар томонидан тўланади. Маъмурий қамоққа олинган шахслар махсус қабулхонада сақланаётган вақтида яқин қариндошларининг вафоти ёки унинг ҳаётига таҳдид солувчи оғир касаллик, маъмурий қамоққа олинган шахсга ёки унинг оиласига анча миқдорда моддий зарар етказган ҳодисалар содир этилганлиги юзасидан хабар олинганида махсус қабулхона ҳудудидан четга чиқиш учун рухсат бериш тўғрисида ариза бериш ҳуқуқига эга. Маъмурий қамоққа олинган шахс махсус қабулхона ҳудудидан четга чиқарилганидан сўнг зудлик билан махсус қабулхона маъмурияти томонидан маъмурий қамоққа олинган шахс бориши лозим бўлган туман (шаҳар) ички ишлар органига хабарнома юборилади. Ҳукумат қарорига мувофиқ маъмурий қамоққа олинган шахсларни махсус қабулхонада сақлаш билан боғлиқ ҳаражатларни ундириш тартиби тўғрисидаги низомга асосан: маълумки «Маъмурий қамоқни ўташ тартиби тўғрисида»ги қонунда маъмурий қамоққа олинган шахсларни махсус қабулхонада сақлқш билан боғлиқ ҳаражатларини ундириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши белгиланди. Низомда махсус қабулхона тушунчасига таъриф берилган бўлиб хусусан «ИИО тизимига кирадиган, маъмурий қамоққа олинган шахсларни қабул қилиш ва сақлаш уччн мўлжалланган махсус муассаса» ҳисобланади маъмурий қамоққа олинган шахс маъмурий қамоқни ўташ вақтида ишлаган ва шу тариқа ўзининг махсус қабулхонада сақланиши билан боғлиқ ҳаражатларнинг ўрнини қоплаган ҳолларда уна ҳаражатлар ундириб олинмайди айрим ҳолларда муайян ҳолатлар маъмурий қамоққа олинган шахснинг моддий аҳволи ва шахси ҳисобга олинган ҳолда у махсус қабулхонада сақвлаш билан боғлиқ ҳаражлар ундирилишидан туман (шаҳар)суди маъмурий судлар фавқулотда вазиятда эса, шунингдек ҳарбий комендантнинг ёки ИИО бошлиғининг қарорига кўра озод қилиниши мумкин. Маъмурий қамоққа олинган, меҳнатга қобилиятисиз шахслар ҳам бу ҳаражатларнинг ундирилишидан озод қилинади. Туман (шаҳар) ҳокимликлари маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг ёзма розилигига кўра уларни ҳақ тўланадиган меҳнатга жалб этилади. Ўз.Рес МЖтКнинг 23-моддасида олтита маъмурий жазо чоралари белгилаб ўтилган шулардан маъмурий қамоққа олинган шахсларни жазо ўташ тартибига ўзгартиришлар киритилди.[4]Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2018 йил 15 майдаги 135-сонли «Маъмурий қамоққа оинган шахсларни қабул қилиш ва сақлаш учун мўлжалланган махсус қабулхоналар худудидан маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг четга чиқиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»

[4]Ўзбекистон Республикаси Маьмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс Адолат 2022

ISSN 2181-3187

буйруғи [5]Ўзбекистон Республикаси «Маъмурий қамоқни ўташ тартиби тўғрисида»ги қонунига мувофиқ, маъмурий қамоққа олинган шахсларни қабул қилиш ва сақлаш учучн мўжалланган махсус қабулхоналар ҳудудидан маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг четга чиқиш тартибини белгилайди. Маъмурий қамоққа олинган шахсларга иккала томон бориб келиш вакти (икки суткагача) Ҳисобга олинмаган ҳолда бир суткадан кўп бўлмаган муддатга махсус қабулхона ҳудудидан четка чиқиш харажатлари маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг маблағлари ҳисобидан ёки бошқа шахслар томонидан тўланади.маъмурий қамоққа олинган шахслар махсус қабулхонада сақланаётган вақтида яқин кариндошларининг вафоти ёки унинг ҳаётига таҳдид солувчи оғир касаллик, маъмурий қамоққа олинган шахсга ёки унинг оиласига анча микдорда моддий зарар етказган ҳодисалар содир этилганлиги юзасидан хабар олинганида махсус қабулхона ҳудудидан четга чиқиш учун рухсат бериш тўғрисида ариза бериш ҳуқуқига эга. Маъмурий қамоққа олинган шахс махсус қабулхона ҳудудидан четга чиқарилганидан сўнг зудлик билан махсус қабулхона маъмурияти томонидан маъмурий қамоққа олинган шахс бориши лозим бўлган туман (шаҳар) ички ишлар органига хабарнома юборилади. Ҳукумат қарорига мувофиқ маъмурий қамоққа олинган шахсларни махсус қабулхонада сақлаш билан боғлиқ ҳаражатларни ундириш тартиби тўғрисидаги низомга асосан: маълумки «Маъмурий қамоқни ўташ тартиби тўғрисида»ги қонунда маъмурий қамоққа олинган шахсларни махсус қабулхонада сақлкш билан боғлиқ ҳаражатларини ундириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилиши белгиланди. Низомда махсус қабулхона тушунчасига таъриф берилган бўлиб хусусан «ИИО тизимига кирадиган, маъмурий қамоққа олинган шахсларни қабул қилиш ва сақлаш учучн мўлжалланган махсус муассаса» ҳисобланади маъмурий қамоққа олинган шахс маъмурий қамоқни ўташ вақтида ишлаган ва шу тариқа ўзининг махсус қабулхонада сақланиши билан боғлиқ ҳаражатларнинг ўрнини қоплаган ҳолларда уна ҳаражатлар ундириб олинмайди айрим ҳолларда муайян ҳолатлар маъмурий қамоққа олинган шахснинг моддий аҳволи ва шахси ҳисобга олинган ҳолда у махсус қабулхонада сақвлаш билан боғлиқ ҳаражлар ундирилишидан туман (шаҳар)суди маъмурий судлар фавқулотда вазиятда эса, шунингдек ҳарбий комендантнинг ёки ИИО бошлиғининг қарорига кўра озод қилиниши мумкин. Маьмурий жазоларни ҳуқуқбузарликлар профилактикасида ахамиятини ошириш йўллари сифатида қуйидаги муаммоларни ҳамда уларнинг ечимларини кўриб ўтишимиз жоиздир.

---

[5] Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2018 йил 15 майдаги 135-сонли «Маъмурий қамоққа оинган шахсларни қабул қилиш ва сақлаш учун мўлжалланган махсус қабулхоналар ҳудудидан маъмурий қамоққа олинган шахсларнинг четга чиқиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» буйруғи

Биринчидан:Ҳозирги кунда профилактика инспекторига келиб тушаётган мурожаатларнинг катта қисми фуқаролик ишларига таалуқли ва уни ҳал етиш учун ортиқча қоғозбозликлар ва кўп куч сарфлаши натижасида ўзига юклатилган вазифаларни ўз вақтида бажара олмаяпти

Иккинчидан:Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ўз ваколат доирасида белгиланган муддат давомида ундиролмаган жарималарини жарима жазосини белгилаб маьмурий баённоиа расмийлаштирган профилактика инспекторлариига қайта жўнатиб юбормоқда

Учинчидан:Профилактика инспекторларининг кўпчилиги маьмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишда процессуал ҳужжатларни расмийлаштириш ва уларни қўллаш бўйича етарли малакаларга эга эмасликлари;

-Ҳар битта ҳудудий ИИБларда фуқролик ишларини кўриб чиқиб тегишлича хулоса қилувчи штат бирликулар ажратиш

-Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ўз ваколат доирасида белгиланган муддат давомида ундиролмаган жарималарини жарима жазосини белгилаб маьмурий баённоиа расмийлаштирган профилактика инспекторлариига қайта жўнатиб юбораётганлиги боис бу муаммога етарлича бахо бериб Бош прпокуратура ва Ички ишлар вазирлиги қўшма қарор ишлаб чиқиши ва амалётга тадбиқ этиши керак

-Профилактика инспекторларининг билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида,маьлум бир муддатда ўқитиш тизимини жорий қилиш

Ушбу муаммо ҳамда таклифларни илмий ўрганган ҳолда келгусидаги иш фаолиятига киритиш билан маьмурий жазоларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасида ахамияти ошишини таьминлашда ижобий натижаларга эришиш мумкин.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. – 2018. – № 3. – 6-м.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.М.ирзиёевнинг Олий мажлисга мурожаатномаси.2020 йил 24-январь\\Халқ сўзи,2020 йил 25 январь
3. Ўзбекистон Республикаси Маьмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс Адолат 2022 йил
4. Ш.М.Мирзиёев Миллий тарақиёт йўлимизни қатьият билан давом эттириб янги босқичга кўтарамиз
5. Каримов И.А Ўзбекистон XXIаср бўсағасида :Ҳавфсизликка таҳдид,барқарорлик шартлари ватараққиёт кафолатлари Ўзбекистон Т 2003

ISSN 2181-3187

6. Алимов Ҳ.Р,Исмаилов Н.Т Маьмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни таьминлаш чоралари – Т ,ИИВ Академияси 2018. 77-83
7. Ҳожиев Э Маьмурий жавобгарлик – Т ,2019
8. М.Зиёдуллаев Ахоли тураржойларида жамоат тартибини сақлаш тизимлари: тарихи,бугуни,хорижий давлатлар тажрибаси Т 2021 йил ИИВ Ахборотномаси
9. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017-йил 12июлдаги “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 151-сонли буйруғи
10. http://akadmvd.uz(Ўзбекистон Республикаси ИИВ академияси )http://lex.uz(Ўзбекистон республикаси Қонун ҳужжатлари маьлумотлари миллий базаси)